

---

## Байрамга Қуваликларга яна бир туҳфа.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллиги байрами арафасида туманимизда янги бинолар, ҳизмат кўрсатиш объектлари, хусусий шифохоналар, мактаб ва боғчалар қуриб битказилиб фойдаланишга топширилмоқда.

Қувонарлиси ушбу биноларнинг кўп қисми туманимизнинг чекка қишлоқларида қад ростламоқда.

Бугун ана шундай ҳизмат кўрсатиш корхоналаридан бири халқимиз ихтиёрига топширилди. Қува тумани 1-сектор ҳудудидаги Байналминал маҳалласида бўш турган бино тадбиркор томонидан қайта реконструкция қилиниб, ушбу бинода “Фаргис” оилавий корхонаси ташкил этилиб, аҳолимиз учун энг сўнгги дизайндаги гиламлар ва пардалар савдоси билан шуғулланувчи савдо мажмуаси иш бошлади.

Савдо мажмуасининг очилиш маросими муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида туман ҳокими, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик иштирок этди. Тадбирда сўз олганлар ушбу савдо мажмуаси халқимизнинг яхши кунлари, тўй ва тантаналарига ҳизмат қилишлигини айтиб ўтдилар.

2022-08-26 18:22:34